

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.06.2018.К.72.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУРСУНОВ МУРОД АМОНОВИЧ

**АЙРИМ 3d-МЕТАЛЛАРНИНГ КЕТОАЛЬДЕГИД ВА КЕТОЭФИРЛАР
ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДАГИ КОМПЛЕКСЛАРИ, УЛАРНИНГ
ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Турсунов Мурод Амонович

Айрим 3d-металларнинг кетоальдегид ва кетоэфирлар ҳосилалари асосидаги комплекслари, уларнинг тузилиши ва хоссалари. 3

Турсунов Мурод Амонович

Комплексы некоторых 3d-металлов на основе производных кетоальдегидов и кетоэфиров, их строение и свойства. 21

Tursunov Murod

Complexes of some 3d-metals on the basis of derivatives of the ketoaldehyde and ketoesters, their structure and properties. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.06.2018.К.72.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВ МУРОД АМОНОВИЧ

**АЙРИМ 3d-МЕТАЛЛАРНИНГ КЕТОАЛЬДЕГИД ВА КЕТОЭФИРЛАР
ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДАГИ КОМПЛЕКСЛАРИ, УЛАРНИНГ
ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/К108 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) га жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Бақо Бафоевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азизов Тохир Азизович
кимё фанлари доктори, профессор
Мардонов Ўктам Мардонович
кимё фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.28.06.2018.К.72.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11 уй. Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-26-12.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ҳ.Б. Дўстов
Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,
к.ф.д., профессор

Қ.Ғ. Авезов
Илмий даража берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, PhD

М.Р. Амонов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кимёвий технология, биология, тиббиёт, фармакология ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган комплекс бирикмаларнинг синтези ривожланиб бормоқда. Экин ерлари ҳосилдорлигини пасайиб боришини бартараф этадиган, қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини оширишга ҳисса қўшадиган, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган стимуляторлар яратиш катта аҳамият касб этади.

Жаҳонда кимё саноатида кетоальдегид ва кетоэфирлар ароилгидразонлари асосида комплекс бирикмаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш борасида катализаторлар, ўсимликларни ўстирувчи моддалар, турли микроорганизмларга қарши бактерицид ва фунгицид препаратларни олишда юқори самара берадиган механизмларни ишлаб чиқиш, турли шароитларда реакция селективлигини ошириш зарурдир. Оралиқ металлларнинг комплекс бирикмаларини олиш учун кенг кўламдаги турли терминал ўринбосарлар сақлаган кўпфункционал полидентат лигандларни синтез қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Республикамизда кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни иқтисодийнинг тармоқларига жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида¹ «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш», «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш» ва «мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борадаги маҳаллий хомашёлар асосида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи янги турдаги стимуляторлар ишлаб чиқариш, кўплаб металл тузларининг органик лигандлар билан комплекс бирикмалари синтез қилиш, комплексларнинг тузилиши, электрон структураси, реакция қобилияти, физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг кимё саноатини тезкор ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3983 қарори, 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишлари» ПФ-4947 фармони ва 2017 йил 23 августдаги «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги ПҚ-3236 қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада органик лигандларни асосида металл комплексларнинг синтези ва тадқиқоти соҳасидаги ишларни амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича Н.А. Парпиев, М.А. Азизов, Ҳ.Т. Шарипов, О.Ф. Ходжаев, О.А. Шобилолов, Т.А. Азизов, Ҳ.Х. Тўраев, Ш.А. Кадировалар шуғулланмоқдалар. Ушбу олимлар томонидан янги полидентат кўп функционал лигандлар, шунингдек уларнинг оралик металллар билан комплекслари олинди, уларнинг тузилиши ва хоссалари атрофлича таҳлил қилинди.

Чет эл мамлакатларида бу йўналиш Geraldес С. F., Barros M. T., Agrawal A., Prasad R.N., Dutta R.L., Hamza S.M., Woodruff D. N., Stadler A.-M., Iskander M.F каби олимлар томонидан ривожлантирилди. Улар томонидан кўзланган тузилишдаги лигандлар тутган металлларнинг комплекслари, никель, рух, мис, кобальт, темир, марганец, ванадий каби металллар комплексларининг каталитик ва биологик фаол хоссалари ўрганилди.

МДҲ нинг қатор олимлари координацион бирикмалар кимёсини ривожлантиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Даставвал координацион кимё Санкт-Петербургда Л.А. Чугаев раҳбарлигида ривожлантирилди. Кейинчалик бу соҳадаги ишлар унинг издошлари И.И. Черняев, А.А. Гринберг, Ю.Н. Кукушкинлар ривожлантирдилар. Кишинёвда комплексларнинг темплат синтези тадқиқотлари ва унинг ривожини Н.В. Гэрбэлэу томонидан, Ростов-Донда В.А. Коган электронларнинг ўзаро антиферромагнит таъсири тадқиқотларини ривожлантирди, комплекс бирикмаларнинг магниткимёвий тадқиқотлари Ю.А. Буслаев, Г.М. Ларин, В.В. Минин, В.В. Зеленцов, Ю.В. Ракитин, В.М. Новоторцев, К.Н. Зеленинлар томонидан янги босқичга кўтарилди.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кетоальдегид ва кетоэфирларнинг азотли ҳосилалари, уларнинг синтези, таутомерияси ва комплекс ҳосил қилувчи қобилияти ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас, айрим ҳолларда уларнинг координацион бирикмалари мавҳумлигича қолиб кетмоқда, бу эса алоҳида диққатни талаб этади. Бу тадқиқотлар мажмуасини амалга ошириш замонавий физик-кимёвий ва квант кимёвий усулларни моҳирона қўллашни тақазо этади. Натижада комплекслар молекулаларининг электрон ва фазовий тузилишларини ўрганиш оқибатида анча мураккаб тузилишдаги кимёвий бирикмаларнинг *“таркиб-тузилиш-хосса”* боғлиқлиги сабабларини аниқлашга имкон яратди. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, кетоальдегид ва кетоэфирларнинг азотли ҳосилалари ва уларнинг модификацияси ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас ва зиддиятли таснифга эга, бу бирикмаларнинг таутомерияси ва уларнинг комплекслари етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф7-20. Кимё, кимёвий технологияларнинг назарий асослари, нанотехнологиялар дастури «Кетоальдегид ва кетоэфирларнинг ҳосилалари ва комплекслари; уларнинг тузилиши ва хоссалари» (2012-2016 йй) мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) ионларининг кетоальдегидлар ва кетоэфирлар ароилгидразонлари комплекс бирикмаларини синтез қилиш, тузилиши ва хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидразон-енгидразин, гидразон-5-гидрокси-2-пиразолин, ҳалқа-занжир, ҳалқа-ҳалқа, ҳалқа-занжир-ҳалқа таутомериясини аниқлаш;

оралиқ металлларнинг янги органик лигандлар билан комплекс бирикмаларини синтези ва уларни олиш методикасини яратиш;

экспериментал маълумотлар, назарий ва амалий тадқиқотлар асосида комплекс бирикмаларининг қўлланилиши бўйича амалий кўрсатмаларни ишлаб чиқариш ва жорий қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кетоальдегидлар ва кетоэфирларнинг ароилгидразонлари, шунингдек улар асосидаги Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) комплекс бирикмалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги органик лигандлар синтези, таутомерияси ва комплекс ҳосил қилиши, кристаллографик маълумотлар, комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: элемент анализи, ИҚ-, ПМР-, ЭПР спектроскопияси, ЭХМ ёрдамида ЭПР спектрларини тузишнинг назарий усуллари, рентгенструктуравий анализ (РСА) усули.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор β -дикарбонил бирикмалар синтези усуллари ишлаб чиқилган ҳамда янги 24 та органик лиганд ва улар асосида 43 та комплекс бирикма синтез қилинган;

илк бор 5 та лиганд ва 5 та комплекс бирикманинг монокристаллари ўстирилган ҳамда уларнинг молекуляр тузилиши исботланган;

3d-металлларнинг хелат комплекс бирикмаларида марказий ион ва икки марта депротонланган лиганднинг беш- ва олти аъзоли металлҳалқалар ҳосил қилиши аниқланган;

Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) ионларининг текис-квадрат тузилишли аммиакли комплекс бирикмалари пиридинда эритилганда аммиакнинг пиридинга алмашиши ҳисобидан дастлаб квадрат-пирамидал, сўнгра октаэдрик тузилишга ўтиши ҳамда металлларнинг d-электронлари ва пиридиннинг π -орбитали орасида тескари d- π -датив боғ ҳосил бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кляйзен конденсациясининг модификацияси ёрдамида β -дикарбонил бирикмалар синтез қилишнинг усуллари ишлаб чиқилган;

стерик омиллар ва кетоэфирлардаги четки ўринбосарларнинг электроманфийлигига боғлиқ ҳолда кислота гидразидлари билан конденсатланиш реакцияси икки йўналишда амалга ошиши мумкинлиги исботланган;

β -дикарбонил бирикмаларнинг ҳосилалари асосида олинган Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) комплексларининг биологик фаоллиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган органик лигандларнинг тузилиши ва комплекс ҳосил қилиш хоссалари ИҚ-, ПМР-, ЭПР спектроскопия сингари замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланди. ЭХМ ёрдамида назарий ЭПР спектрлари тузилди ва экспериментал спектрлар билан солиштирилди. Янги лигандлар ва уларнинг комплексларини тузилиши тўғрисидаги спектрал тадқиқотларнинг хулосалари РСА усулида тўлиқ исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кетоальдегидлар ва кетоэфирларнинг тузилишига боғлиқ ҳолда уларнинг *para*-ҳолатида алкил-, алкокси-, галоген-, нитро-гурӯҳларни сақловчи ароматик кислоталарнинг гидразидлари билан конденсатланиш реакциясининг йўналиши ва оптимал шароитларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) ионларининг кетоальдегидлар ва кетоэфирлар билан комплекс бирикмалари фунгицидлар ва ўсимликларнинг стимуляторлари сифатида тавсия этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) нинг янги β -кетоальдегидлар ва кетоэфирлар ҳосилалари билан комплекс бирикмаларининг синтези, тузилиши ва хоссалари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

5,5-диметил-2,4-диоксогексан кислота этил эфирининг бензоилгидразони – H_2L^{21} ва унинг асосида $NiL^{21}\cdot NH_3$ комплекси, 3-фенил-3-оксопропаналнинг *para*-метилбензоил гидразони асосидаги комплекси – $NiL^8\cdot Py$, *para*-метоксибензоилсирка альдегиднинг *ortho*-гидроксибензоилгидразони асосидаги – $NiL^{10}\cdot NH_3$ комплексларининг молекуляр структураси маълумотлари Кембриж структур маълумотлар базасига киритилган (*Cambridge Crystallographic Data Centre*нинг 2016 йил 7 октябрдаги 1057268, 1508722, 1508698 ва 1508707 сон маълумотномалари). Натижада янги кетоальдегид ва кетоэфирларнинг ароилгидразонларнинг комплекс бирикмаларини мақсадли синтез қилиш бўйича тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш имконини берган.

4-фенил-3-оксопропаналнинг *para*-метилбензоилгидразони – H_2L^8 , 2,4-диоксопентан кислота этил эфирининг бензоилгидразони – H_2L^{11} , 4-фенил-2,4-диоксобутан кислотанинг бензоилгидразони асосидаги – $NiL^{24}\cdot NH_3$ комплексининг молекуляр структураси маълумотлари Кембриж структур маълумотлар базасига киритилган (*Cambridge Crystallographic Data Centre*нинг 2018 йил 1 мартдаги 1826717, 1826710 ва 1826781 сон маълумот-

номалари). Натижада олинган маълумотлар ўхшаш янги бирикмалар синтез қилиш имконини берган.

КА-1 ($\text{NiL}^{10}\cdot\text{NH}_3$), КА-2 ($\text{ZnL}^8\cdot\text{Py}$), КА-3 ($\text{CuL}^7\cdot\text{NH}_3$), КЭ-1 ($\text{NiL}^{23}\cdot 3\text{Py}$), КЭ-2 ($\text{ZnL}^{17}\cdot\text{NH}_3$) ва КЭ-3 ($\text{CuL}^{19}\cdot\text{NH}_3$) препаратлари Бухоро вилояти Жондор тумани “Хатича буви Жондорий” фермер хўжалигининг далаларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 27 апрелдаги 01/023-53-сон маълумотномаси). Натижада пахта чигитларининг униб чиқиш муддати 13,8% га, кўсакларнинг очилиш вақти 5,7% га қисқариш, ҳосилдорликни 3,2 ц/га га кўпайиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 22 та конференцияда, жумладан, 7 та халқаро ва 15 та Республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган чет эл журналларида 3 та, Республика журналларида 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“1,3-дикарбонил бирикмалар ҳосилаларининг тузилиши, таутомерияси ва комплекс бирикмалари”** деб номланган биринчи боби турли хил тузилишдаги β -дикарбонил бирикмалар азотли ҳосилалари билан комплекс бирикмаларнинг синтези, тузилишининг таҳлили ва структуравий хусусиятларига бағишланган. Адабиётларнинг танқидий таҳлили натижасида диссертациянинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.


“Кетоальдегид, кетоэфирлар ва уларнинг комплекс бирикмалари синтези” номли иккинчи бобида олинган бирикмаларнинг синтези ва тузилишини аниқлашнинг элемент анализи, магниткимёвий ҳисоблашлар, ИҚ-, ПМР-, ЭПР спектроскопия ва РСА каби усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Кетоальдегидлар, кетоэфирлар ароилгидразонлари ва улар комплекс бирикмаларининг тузилиши ва таутомерияси”**

номли учинчи боби олинган натижалар муҳокамасига бағишланган. Лигандларнинг тузилиши ва Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) ионлари билан комплекс ҳосил қилиши тўғрисида хулосалар чиқарилган.

Кетоальдегидлар ва кетоэфирлар ароилгидразонларининг тузилиши ва реакция қобилиятини ўрганиш, уларнинг ҳалқа-занжирли мувозанати ва комплекс бирикма ҳосил қилиш қобилиятини кўрсатиш учун биз ароилгидразинлар билан 1:1 моляр нисбатда ўзаро таъсирлашуви натижасида олинган формилпинаколин, турли ароилсирка альдегидлари, кетоэфир типидagi 2,4-диоксокарбон кислота метил- ва этил эфирлари каби ҳосилларни ўргандик. Шуниси аниқландики, β-дикарбонил бирикмалар молекуласидаги турли ўринбосарлар нуклеофил агентлар билан конденсатланиш реакцияларини қийинлаштиради.

Ароилгидразинларнинг формилпинаколин ва бензоилсирка альдегиди билан иссиқ эритмалари аралаштирилганда *учламчи*-бутил ва бензоил ўринбосарлари конденсатланиш реакциясининг альдегид карбонилидан боришини кафолатлайди.



$R=C(CH_3)_3$; $R^1=C_6H_5$ (H_2L^1), $n-CH_3OC_6H_4$ (H_2L^2), $n-N(CH_3)_2C_6H_4$ (H_2L^3), $m-NO_2C_6H_4$ (H_2L^4), $n-NO_2C_6H_4$ (H_2L^5), $n-CH_3C_6H_4$ (H_2L^6). $R=C_6H_5$; $R^1=C_6H_5$ (H_2L^7), $n-CH_3C_6H_4$ (H_2L^8), $m-CH_3OC_6H_4$ (H_2L^9), $o-OHC_6H_4$ (H_2L^{10}).

Янги органик лигандлар ($H_2L^1-H_2L^6$)нинг кристалл ҳолатда ва эритмадаги таркиби ва тузилиши элемент анализи, ИҚ-, ПМР-, ЭПР спектроскопияси ва РСА усулида аниқланди. Эркин лиганднинг ИҚ спектрида 1720 см^{-1} атрофидаги валент тебранишлари туташмас $C=O$ боғлари, қолган ютилишлар бензоил ўринбосарининг $C=O$ ва 3215 см^{-1} соҳада кузатиладиган $\nu_{(N-H)}$ борлиги кристалл ҳолатда гидразон (А) тузилишга эга эканлигидан далолат беради. $H_2L^1-H_2L^6$ лигандлардан фарқли равишда, ПМР спектроскопияси параметрлари таҳлилига кўра бензоилсирка альдегиднинг ароилгидразидлар билан конденсатланиш реакцияси маҳсулотлари ($H_2L^7-H_2L^{10}$) эритмада чизиқли Е-

гидразон (A_E) ва E-енгидразин (B_E ва B_Z) шаклларни намоён қилади (1-жадвал).


1-жадвал.

Формилпинаколин ва бензоилсирка альдегиди ароилгидразонларининг H₂L¹–H₂L¹⁰ ДМСО-d₆ эритмасидаги ПМР спектри параметрлари (298 К)

Бирик-малар	A _Z -шакл		B _Z -шакл			R	R ¹ протонлари	
	CH ₂	NH	CH	NH ¹	NH ²		X	C ₆ H ₄
H ₂ L ¹	3,65	11,02	5,28	11,65	11,11	1,15	7,42; 7,49; 7,65	
H ₂ L ²	3,64	11,04	5,27	11,29	10,94	1,17	3,16	7,05; 7,24;
H ₂ L ³	3,63	11,04	5,25	11,26	10,91	1,19	3,05	7,13; 7,34;
H ₂ L ⁴	3,67	11,10	5,29	11,79	11,12	1,16	-	7,05; 7,51;
H ₂ L ⁵	3,68	11,01	5,29	11,91	11,10	1,18	-	7,15; 7,48;
H ₂ L ⁶	3,52	10,79	5,21	11,89	11,09	1,12	2,32	7,12; 7,54
H ₂ L ⁷	-	-	5,75	10,05	9,39	7,43; 7,53; 7,80	7,02; 7,32; 7,96	
H ₂ L ⁸	-	-	5,83	10,11	9,47	7,32; 7,65; 8,02	2,42	7,06; 7,49
H ₂ L ⁹	-	-	5,74	11,16	9,42	7,28; 7,73; 7,90	3,06	6,95; 7,34;
H ₂ L ¹⁰	-	-	5,73	10,12	9,45	7,28; 7,55; 7,95	12,68	7,22; 8,05

Шундай қилиб, кўриб чиқилган маълумотлар β-кетоальдегид тузилишини ўзгартириш, эритувчи табиатининг ўзгариши β-кетоальдегид ароилгидразонлари қаторида турли таутомер мувозанатларни юзага келтириши мумкин. Улардан айримлари ўзаро бир-бирига ўтувчи таутомер, конфигурацион ва конформацион беш хил шаклда бўлади. Бу шакллар барқарорлигининг омили π-р-π-туташиш ҳисобланади. Органик лигандларнинг чизиқли тузилиши тўғрисидаги ИҚ спектроскопияси натижаларини тўлиқ исботлаш учун H₂L⁸ лиганднинг молекуляр тузилиши РСА билан аниқланди (1а-расм, 2-жадвал).


Дастлабки лигандларнинг тузилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда металл ацетатлари билан таъсирлашуви натижасида улар икки қарра депротонланади ва ML·NH₃ тузилишдаги комплекс бирикмалар ҳосил бўлади.



M=Ni²⁺, Zn²⁺, Cu²⁺: (NiL¹·NH₃–NiL⁵·NH₃); (NiL⁷·NH₃), (NiL⁷·Py), (NiL⁸·Py), (NiL¹⁰·NH₃), (ZnL⁷·NH₃), (CuL¹·NH₃), (CuL³·NH₃), (CuL⁴·NH₃), (CuL⁶·NH₃), (CuL⁷·NH₃), (CuL⁷·Py), (CuL⁹·Py). A=NH₃, Py.

Аммиакли комплекс бирикмаларнинг органик эритувчиларда яхши эришини ва сувда эримаслигини қайд этамиз. NiL⁷·NH₃ таркибли аммиакли комплекс бирикманинг минимал миқдордаги пиридинда эритилиши натижа-

сида $\text{NiL}^7 \cdot \text{Py}$ комплекс бирикмаси олинди. Бу комплекс бирикма ИҚ спектри-нинг 1640 см^{-1} дан юқори соҳада эркин $\text{C}=\text{O}$ -гуруҳнинг валент тебраниш-ларига тааллуқли ютилиш чизиғи кузатилмайди. Ўртача ва юқори интенсив-ликдаги $1580\text{-}1585$, $1530\text{-}1540$, $1470\text{-}1480$, $1420\text{-}1430$ ва $1395\text{-}1400 \text{ см}^{-1}$ соҳа-ларда кузатилган ютилиш чизиқлари беш ва олти аъзоли туташ металлҳалқа-лар валент ва валент-деформацион тебранишларига мувофиқ келади.



1-расм. Молекуляр структуралар: H_2L^8 -а, H_2L^{11} -б, H_2L^{13} -с, H_2L^{21} -д, H_2L^{23} -е, $\text{NiL}^8 \cdot \text{Py}$ -ф, $\text{NiL}^{10} \cdot \text{NH}_3$ -г, $\text{NiL}^{21} \cdot \text{NH}_3$ -ҳ, $\text{NiL}^{23} \cdot 3\text{Py}$ -и, $\text{NiL}^{24} \cdot \text{NH}_3$ -ж.

$\text{NiL}^7 \cdot \text{Py}$ ва $\text{NiL}^8 \cdot \text{Py}$ комплекс бирикмаларнинг ИҚ спектрларидаги $3200\text{-}3600 \text{ см}^{-1}$ соҳада аммиак учун хос бўлган тебраниш частоталари кузатилмайди ва 1600 см^{-1} атрофида пиридиннинг $\nu_{(\text{C}=\text{N})}$ чизиқлари пайдо бўлади.

Синтез қилинган Ni(II) ва Zn(II) комплекс бирикмалари турли эритув-чилардаги эритмаларида диамагнит хусусиятларни намоён қилади. ПМР

спектрларининг натижалари ва уларнинг диамагнитизми олинган комплекс бирикмаларнинг текис-квадрат тузилиши тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келади.

2-жадвал

Синтез қилинган бирикмаларнинг асосий кристаллструктура параметрлари

Параметрлар	NiL^8	NiL^{11}	NiL^{13}	NiL^{21}	NiL^{23}
M_r	280.32	276.29	319.06	318.36	363.37
$a, \text{Å}$	15,6942(13)	14,1683(5)	7,9240(11)	9,6114(10)	8,2439(5)
$b, \text{Å}$	12,1515(13)	8,28854(18)	8,2192(9)	9,6114(10)	11,4752(10)
$c, \text{Å}$	8,0046(10)	25,5886(9)	13,987(2)	18,599(2)	20,8800(13)
$\alpha, ^\circ$	90	90	81,081(11)	90	90,00
$\beta, ^\circ$	99,853(9)	111,457(4)	81,939(12)	90	95,597(5)
$\gamma, ^\circ$	90	90	62,199(13)	90	90,00
$V, \text{Å}^3$	1504,0(3)	2796.71 (15)	1715,2(4)	1715,2(4)	1965,8(2)
$\rho(\text{хис.}), \text{г/см}^3$	1,468	1,477	0,615	0,615	0,614
Z	4	2	2	2	2
Фазовий гуруҳ	$P2_1/c$	$C2/c$	$P-1$	$P4_3$	$P1\ 2/n1$
Сингония	Моноклин.	Моноклин.	Моноклин.	Тетрагонал.	Моноклин.
Параметрлар	$\text{NiL}^8 \cdot \text{Py}$	$\text{NiL}^{10} \cdot \text{NH}_3$	$\text{NiL}^{21} \cdot \text{NH}_3$	$\text{NiL}^{23} \cdot 3\text{Py}$	$\text{NiL}^{24} \cdot \text{NH}_3$
M_r	416.11	386.05	392.09	1314.72	398.06
$a, \text{Å}$	9.3151 (9)	10.3837(9)	11.9969 (8)	9,5826(5)	13,972(3)
$b, \text{Å}$	10.5675 (11)	8.2502(6)	8.5818 (4)	14,1432(6)	8,9284(19)
$c, \text{Å}$	11.9266 (7)	19.630(2)	18.1740 (13)	26,1557(13)	15,282(2)
$\alpha, ^\circ$	112,030(7)	90.00	90	76.300(4)	90
$\beta, ^\circ$	92.227 (6)	98.658(11)	92.209(6)	89,447(4)	100,751(18)
$\gamma, ^\circ$	115.341 (10)	90.00	90	73.234(4)	90
$V, \text{Å}^3$	955,33(17)	1662.5(3)	1869.7 (2)	3291.0(3)	1873.0 (6)
$\rho(\text{хис.}), \text{г/см}^3$	1,663	1,447	1.393	1,327	1,481
Z	2	4	4	2	4
Фазовий гуруҳ	$P-1$	$P2_1/c$	$P2_1/c$	P	$P2_1/c$
Сингония	Триқлин.	Моноклин.	Моноклин.	Триқлин.	Моноклин.

Ni(II) комплекс бирикмаларининг текис-квадрат тузилиши тўғрисида ИҚ ва ПМР спектроскопияси натижалари бўйича чиқарилган хулосаларни тасдиқлаш учун метанол ва хлороформ аралашмасидан қайта кристаллаш орқали $\text{NiL}^8 \cdot \text{Py}$ ва $\text{NiL}^{10} \cdot \text{NH}_3$ монокристалларини ажратиб олдик. Рентген-структуравий тадқиқотлар “*Xcalibur, Oxford Diffraction*” автоматик дифрактометрида ўтказилди. $\text{NiL}^8 \cdot \text{Py}$ кристаллари (1f-расм, 2-жадвал) триқлин, $\text{NiL}^{10} \cdot \text{NH}_3$ —моноклин (1g-расм, 2-жадвал) ҳолатда. Иккала молекулада ҳам икки қарра депротонланган лигандлар қолдиғи бир хил тридентат-хелат функцияни бажаради. Никель атомидаги тўртинчи координацион ўринни $\text{NiL}^8 \cdot \text{Py}$ да пиридин молекуласи, $\text{NiL}^{10} \cdot \text{NH}_3$ да эса аммиак эгаллайди.

Бир хил лигандлар билан олинган Ni(II) ва Cu(II) комплекс бирикмаларининг ИҚ спектрлари таҳлили уларнинг тузилиши бир-бирига мос келишини кўрсатади.

Лиганд гидразон фрагментининг Cu(II) комплекс бирикмалари электрон хоссаларига таъсири толуол ёки хлороформ эритмасида ва хона ҳароратида ЭПР усули билан ўрганилди. Бу комплекс бирикмалар изотроп


спектрларга эга бўлиб, моноядроли Cu(II) комплекс бирикмалари учун характерлидир (3-жадвал).

3-жадвал

Cu(II) комплекс бирикмаларининг толуол эритмасида ва хона ҳароратида олинган ЭПР спектрлари параметрлари

Бирикмалар	$\langle g \rangle, \pm 0,0001$	$a_{Cu}, \pm 0,0001 \text{ см}^{-1}$	α^2
$\text{CuL}^1 \cdot \text{NH}_3$	2,0940	0,0088	0,80
$\text{CuL}^2 \cdot \text{NH}_3$	2,0947	0,0089	0,81
$\text{CuL}^5 \cdot \text{NH}_3$	2,0945	0,0087	0,78
$\text{CuL}^7 \cdot \text{NH}_3$	2,0949	0,0087	0,81
$\text{CuL}^7 \cdot \text{Py}$	2,0887	0,0088	0,77

Биз 2,4-диоксопентан кислота этил эфирининг *para*-алмашинган ароматик карбон кислоталар гидразидлари билан конденсатланиш реакцияси маҳсулотларини синтез қилдик ва ўргандик. Кетоэфирлар асосида олинган (H_2L^{11} – H_2L^{13}) ацилгидразонларнинг таркиби ва тузилиши элемент анализи, ИҚ- ва ПМР спектроскопияси ёрдамида аниқланди:




$\text{R}=\text{CH}_3$, $\text{R}^1=\text{C}_2\text{H}_5$, $\text{R}^2=\text{C}_6\text{H}_4\text{-X}_4$; $\text{X}=\text{H}$ (H_2L^{11}), NO_2 (H_2L^{12}), $\text{N}(\text{CH}_3)_2$ (H_2L^{13}).
 $\text{R}=\text{C}(\text{CH}_3)_3$, $\text{R}^1=\text{CH}_3$, $\text{R}^2=\text{C}_6\text{H}_4\text{-X}_4$; $\text{X}=\text{CH}_3\text{O}$ (H_2L^{14}), CH_3 (H_2L^{15}), H (H_2L^{16}), Br (H_2L^{17}). $\text{R}=\text{C}(\text{CH}_3)_3$, $\text{R}^1=\text{C}_2\text{H}_5$, $\text{R}^2=\text{C}_6\text{H}_4\text{-X}_4$; $\text{X}=\text{N}(\text{CH}_3)_2$ (H_2L^{18}), CH_3O (H_2L^{19});
 CH_3 (H_2L^{20}), H (H_2L^{21}), Br (H_2L^{22}), NO_2 (H_2L^{23}). $\text{R}=\text{R}^2=\text{C}_6\text{H}_5$, $\text{R}^1=\text{CH}_3$ (H_2L^{23}).
 $\text{M}=\text{Ni}^{2+}$, Zn^{2+} , Cu^{2+} : $\text{ML}^{11} \cdot \text{NH}_3$ – $\text{ML}^{23} \cdot \text{NH}_3$; $\text{NiL}^{11} \cdot \text{Py}$, $\text{NiL}^{20} \cdot \text{Py}$, $\text{NiL}^{23} \cdot \text{Py}$,
 $\text{CuL}^{14} \cdot \text{Py}$ - $\text{CuL}^{16} \cdot \text{Py}$, $\text{CuL}^{21} \cdot \text{Py}$. $\text{A}=\text{NH}_3$, Py .

Лигандларнинг ҳалқали тузилишини ишончли исботлаш учун иккита монокристаллар: H_2L^{11} ва H_2L^{13} учун РСА усулини қўлладик (1b- ва 1c-расм., 2-жадвал).

Энди 5,5-диметил-2,4-диоксогексан кислота метил- ва этил эфирларининг ароматик карбон кислоталар гидразидлари билан конденсатланиш маҳсулотлари тузилишини муҳокама қиламиз. Эквимоляр миқдордаги кетоэфир билан ароилгидразинларнинг спиртдаги эритмаларининг ўзаро таъсирлашувидан гидразон, енгидразин ва 5-гидроксипиразолин шаклларда бўлиш эҳтимоллиги юқори бўлган (H_2L^{14} – H_2L^{17}) бирикмалар олинди. Бу бирикмалар мураккаб эфир гуруҳига кўшни бўлган карбонил $\text{C}=\text{O}$ -гуруҳи маҳсулоти деб ишонч билан қайд қилиш мумкин. Улар кристалл ҳолатда гидразон (A_E)


тузилишни намоён қилади. Бу бирикмаларнинг янги тайёрланган CDCl_3 эритмасида олинган ПМР спектрларида гидразон (А) шаклга хос сигналлар серияси кузатилади. 4-5 минутдан сўнг ҳалқали (В) шаклга тааллуқли иккинчи сигналлар мажмуаси намоён бўлади. H_2L^{14} - H_2L^{17} бирикмалар спектрларининг ўзгариши бир неча кундан сўнг тўхтайди ва $Z(A_Z)$ - ва $E(A_E)$ -чизиқли ҳамда ҳалқали (В) шаклдаги стереоизомерлар қаторида мувозанат вужудга келади.

Биз 5,5-диметил-2,4-диоксогексан кислота этил эфири конденсатланиш маҳсулотлари тузилишини муҳокама қилишда H_2L^{14} - H_2L^{17} лигандлар учун юқорида тузилиши аниқланган бирикмаларнинг мураккаб эфирга кўшни карбонил $\text{C}=\text{O}$ -гурухи бўйича конденсатланишини исботладик ва буни ишонч билан қайд қилдик. Бундай хулосага H_2L^{18} - H_2L^{23} лигандларнинг ИҚ спектрларини таҳлил қилиш орқали эришдик. Аммо ИҚ натижалари реакция боришининг региоўналиши тўғрисида маълумот бермайди. Фикримизни тўлиқ исботлаш мақсадида биз органик лиганд (H_2L^{21}) ни қайта кристаллаш орқали тетрагонал сингонияли $\text{C}_{17}\text{H}_{22}\text{N}_2\text{O}_4$ монокристаллини ўстирдик (1.d-расм, 2-жадвал). H_2L^{21} кристалл ячейкасида центросимметрик димер ҳосил қилган ҳолда лиганд молекуласи амид фрагментининг водород атоми ички молекуляр водород боғланиш (ИМВБ) ҳосил бўлишида қатнашади. H_2L^{18} - H_2L^{23} лигандларнинг эритмадаги тузилишини аниқлаш учун биз ПМР спектроскопик тадқиқот усулидан фойдаландик. H_2L^{21} бирикманинг CCl_4 + DMCO-d_6 эритмасида олинган ПМР спектрида гетероҳалқанинг 5-ҳолатида ассимметрик углерод атоми (C^*) борлигидан далолат берувчи ССТК $J_{AB}=19$ Гц бўлган АВ-система сигналлари қайд этилди (2-расм).




Шунингдек, биз H_2L^{23} лиганднинг $C_{17}H_{21}N_3O_6$ моноклин сингонияли монокристалларини ўстирдик. Молекула чизикли гидразон А тузилишга эга. Лиганднинг кристалл ячекасида иккита А ва Б мустақил молекулалар мавжуд (1е-расм, 2-жадвал).

Ацилгидразинлар билан кетозэфир типигаги 1,3-дикарбонил бирикмаларнинг ҳосилаларини турли мувозанатларни ўрганиш нуктаи назаридан перспектив объектлар сифатида тавсия этилади. Бу ишимизда ацилгидразинларни нуклеофил реагентлар сифатида танлаб олишимизни таъминлади. Дастлабки реагентлар нисбатига боғлиқ бўлмаган ҳолда H_2L^{14} – H_2L^{17} нинг этанолдаги эритмалари билан металл ацетатларининг аммиак сувли эритмалари аралаштирилганда элемент анализига мувофиқ $ML \cdot NH_3$ таркибли комплекс бирикмалар олинди. Комплекс бирикманинг ҳосил бўлиши жараёнида лиганддан комплекс бирикмага ўтганда $\nu_{(C=O)}$ нинг қуйи частотали соҳага силжишидан далолат беради. Масалан, $ML \cdot NH_3$ комплекс бирикманинг ИҚ спектрида 1725-1735 cm^{-1} соҳада мураккаб эфир ўринбосарига мос келувчи $\nu_{(C=O)}$ интенсив ютилиш чизиғи кузатилади. Дастлабки лиганд ИҚ спектрида бу чизик 1740-1750 cm^{-1} соҳада намоён бўлади. Тебраниш чизиғи $\nu_{(C=O)}$ нинг қуйи частотали соҳага силжиши лиганддан комплекс бирикмага ўтганда металлкомплекснинг олти аъзоли туташ тизимга электроноакцептор CH_3COO -гуруҳнинг боғланиши билан асослаш мумкин (3-расм).



3-расм. 5,5-диметил-2,4-диоксогексан кислота метил эфири асосидаги $NiL^{16} \cdot NH_3$ комплекс бирикманинг ИҚ спектри.

$Cu(II)$ нинг олинган ички комплекс бирикмалари амалда ҳароратга боғлиқ бўлмаган ҳолда 1,73-1,74 Б.М. га тенг эффектив магнит моментига эга. Бу кўрсаткичлар ҳамма комплекс бирикмалар мономер эканлигини англатади. Турли кенглик ва интенсивликдаги тўртта линиядан иборат изотроп ЭПР спектрлари моноядроли $Cu(II)$ комплекс бирикмалари учун характерлидир (4-расм).



4-расм. $\text{CuL}^{14}\cdot\text{NH}_3$ комплекс бирикманинг хлороформдаги – (а) ва $\text{CuL}^{16}\cdot\text{NH}_3$ нинг пиридиндаги– (б) 298 К да олинган ЭПР спектрлари.


Биз 5,5-диметил-2,4-диоксогексан кислота этил эфирининг алмашинган ароилгидразонлари асосида Ni(II) ва Cu(II) комплекс бирикмаларини синтез қилдик. Олинган комплекс бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши элемент анализи, ИҚ спектроскопияси усули ёрдамида аниқланди. $\text{NiL}^{21}\cdot\text{NH}_3$ комплекс бирикманинг ИҚ спектри H_2L^{21} лиганднинг ИҚ спектридан фарқ қилиб, 1660-1700 ва 3400 cm^{-1} соҳаларда валент тебраниш чизиқлари кузатилмайди. Бу лиганднинг комплекс ҳосил бўлиш жараёнида депротонланганлигидан далолат беради. $\text{NiL}^{21}\cdot\text{NH}_3$ комплекс бирикманинг ИҚ спектри олдин биз ўрганган Ni(II) комплекс бирикмаларнинг ИҚ спектри билан кўп жиҳатдан мос келади. ИҚ спектри натижаларига кўра лиганд дианионининг тридентат координациясидан ҳосил бўлган комплекс бирикманинг текис тузилиши тўғрисидаги хулосаларни тасдиқлаш мақсадида $\text{NiL}^{21}\cdot\text{NH}_3$ комплекс бирикманинг хлороформдаги эритмасидан ўстирилган $\text{NiC}_{17}\text{H}_{23}\text{N}_3\text{O}_4$ монокристаллар РСА усулида ўрганилди.

Кутилганидек, комплекс бирикма молекуласи амалда текис тузилган беш- ва олти-аъзоли туташ металлҳалқалардан иборат. Икки карра депротонланган H_2L^{21} лиганд қолдиғи иккита кислород атоми ва гидразон фрагменти азот атоми орқали никель атомига координацион боғланади. Текис-квадрат *транс*- N_2O_2 -координацион куршовдаги тўртинчи ўринни аммиак молекуласи эгаллайди. Беш- ва олти-аъзоли металлҳалқалар деярли текис ва ўзаро туташган. Марказий атомнинг d-электронлари ва пиридин ҳалқасининг π -орбиталлари орасида d- π -датив боғнинг ҳосил бўлиши қисман псевдоароматик система вужудга келишига ва фазода икки металлҳалқанинг копланар бўлишига олиб келади (1h-расм, 2-жадвал). Координацион боғланган аммиак молекуласи молекулалараро водород боғ (МАВБ) ҳосил бўлишида қатнашади.

$\text{NiL}^{21}\cdot\text{NH}_3$ бирикманинг $\text{CCl}_4+\text{DMSO-d}_6$ эритмасида олинган ПМР спектри Ni(II) нинг β -дикетонларнинг ацил- ва ароилгидразонлари билан ҳосил қилган комплекс бирикмалари спектрига ўхшайди. $\text{C}_2\text{H}_5\text{COO}$ -гурухнинг этил радикали CH_3 -гурухининг протонларидан триплет кўринишида δ 1,36 м.х.да, CH_2 -гурухи протонларидан эса квадруплет кўринишида δ 4,28

м.х.да интеграл интенсивлиги 3:2 ва ССТК $J_{AB}=7$ Гц бўлган сигналлар қайд этилди. Винил протонлари сигнали δ 5.03 м.х. да, *учламчи*- C_4H_9 -протонлари δ 1.00 м.х.да синглет кўринишида кузатилди. Ароматик ядро протонлари сигналлари δ 7,14 ва 7,67 м.х. соҳаларда мультиплет шаклда, координацияланган NH_3 протонлари эса δ 2.07 м.х. да синглет кўринишида қайд этилди (5-расм).

$NiL^{23} \cdot NH_3$ комплекс бирикмани мўл миқдордаги пиридиндан қайта кристаллаш орқали юқорида кўриб чиқилган $NiL^{21} \cdot NH_3$ кристалдан фарқли равишда $(NiC_{32}H_{34}N_6O_6)_2$ таркибли монокристаллар ажратиб олинди. Бу кристалда $Ni(II)$ ионининг қуршови металлхелатнинг экваториал текислигидаги аммиак молекуласининг пиридинга алмашинуви ва аксиал ҳолатда икки молекула пиридиннинг қўшимча координацион боғланиши ҳисобидан $Ni(транс-N_4O_2)$ октаэдрик ҳолатга ўтади (1i-расм, 2-жадвал). $Ni-N(1)$ боғ узунлиги (1,981(2) Å) бўлиб, $Ni-N(4)$ (2,092 Å), $Ni-N(5)$ (2,164(2) Å) ва $Ni-N(6)$ (2,154(2) Å) боғларига нисбатан қисқароқдир. $Ni-N(1)$ боғи билан қолган учта $Ni-N$ боғ узунлиги орасидаги фарқи туташ беш- ва олти- аъзоли металлҳалқаларнинг хелат эффекти таъсири билан изоҳланади.



5-расм. $NiL^{21} \cdot NH_3$ комплекс бирикмасининг $CCl_4+DMSO-d_6$ эритмасида олинган ПМР спектри.

$NiL^{24} \cdot NH_3$ комплекс бирикмаси эквимольяр миқдордаги 4-фенил-2,4-диоксубутан кислота метил эфири, бензой кислота гидразидининг спиртдаги эритмаси билан никел(II)-ацетат эритмасининг ўзаро таъсиридан темплат синтез орқали олинди. Олинган $NiL^{24} \cdot NH_3$ комплекс бирикманинг ИҚ спектри ушбу ишни бажариш давомида биз олган бошқа аммиакли комплексларнинг ИҚ спектрларига ўхшайди. $C_{18}H_{17}N_3NiO_4$ таркибли $NiL^{24} \cdot NH_3$ монокристалли моноклин сингонияга эга (1g-расм, 2-жадвал). Кристалда $Ni-O$ ва $Ni-N$ боғларнинг узунликлари бунга ўхшаш *транс*- $[N_2O_2]$ -координацион қуршовли текис-квадрат тузилишдаги $Ni(II)$ комплекс бирикмалари катталик-

ларига яқин. Комплекс бирикма молекуласидаги тридентат лиганд дианионининг β -дикабонил қисмидаги мураккаб эфир фрагменти молекуладаги стерик кучланишни сўндириш учун металлҳалқа текислигига нисбатан -90° га бурилган. Молекуланинг бошқа хусусияти сифатида аммиак водороди атомининг ИМВБ вужудга келишида қатнашишини қайд этиш мумкин. Бу водород боғланиш центросимметрик Н-боғланган димерларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Синтез қилинган препаратларнинг биологик фаоллигини аниқлаш мақсадида Жондор туман “Хатича буви Жондорий” фермер хўжалиги далаларида тажрибалар ўтказилди.

Назорат ва тажриба майдонларида бир хилда агротехник чоратадбирлар олиб борилди. Кузатувлар натижалари таҳлил қилинганда, назорат ва эталонга нисбатан препарат билан ишлов берилган майдондаги чигитларнинг униб чиқиши юқори эканлиги қайд этилди.

Тажриба майдонида чигитларни униб чиқиши, биомассанинг ўзгариши, илдиз системасининг кучли ривожланиши натижасида ғўза ниҳоллари жадал ўсиб, шохланиши ҳамда ҳосил элементларининг шаклланиши назорат майдонидаги ўсимликларга нисбатан юқори эканлиги тасдиқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Ғўза ўсимлигини фенологик кузатувлар назорат вариантыга нисбатан тажриба майдонида (ўртача ҳисобда)

Препаратлар	Кунлик фенологик кузатувлар										Ҳосилдорлик (ц/га)
	9-июнь		9-июль		9-август			9-сентябрь			
	Ўсимлик бўйи, см	Чин барглари сони, дона	Ўсимлик бўйи, см	ҳосил шохлар сони	Ўсимлик бўйи, см	ҳосил шохлар сони	Кўсақлар сони, дона	Кўсақлар сони, дона	Кўсақларнинг очилиши, дона	Чанокдаги пахта толасининг массаси, г	
Назорат	11,8	3,2	41,1	6,7	81,8	10,3	7,1	8	4,3	6,7	31,2
П-4	13,4	3,4	43,1	7,1	84,2	10,5	7,5	8,4	4,8	6,9	32,4
КА-1	13,8	3,4	43,7	7,3	84,8	10,9	7,9	9,0	5,3	7,0	34,6
КА-2	14,6	3,7	43,9	7,4	85,7	11,8	8,2	9,13	5,5	7,0	35,1
КА-3	15,3	3,8	44,4	7,7	86,2	12,1	8,5	9,29	5,7	7,1	34,7
КЭ-1	13,9	3,5	43,8	7,5	84,9	11,9	8,3	8,98	5,4	6,9	33,8
КЭ-2	14,9	3,6	44,3	7,6	85,8	12,3	8,4	9,18	5,5	7,1	35,2
КЭ-3	15,7	3,9	44,9	7,8	86,3	12,6	8,7	9,33	5,7	7,2	35,6

Препаратлар таркибида ўсишни тезлаштирувчи микроэлементлардан Ni^{2+} , Cu^{2+} ва Zn^{2+} ионлари борлиги сабабли чигитни униши ва ғўза ниҳоллари илдиз ва тана тизимларининг ривожланишига ижобий таъсир этиб, стимуляторлик хоссасини намоён этди.

Тажриба кучсиз шўрланган, сурункали пахта экилиб, тупроқда вильт касаллигининг споралари кенг тарқалган майдонда ҳам ўтказилди. Ғўзанинг шоналаш босқичида ҳар гектар майдонга 200 г ҳисобидан Ni^{2+} , Cu^{2+} ва Zn^{2+} микроэлементлар тутган препаратлар азотли ўғитлар билан бирга тупроққа солинди. Бу препаратлар ғўза илдизининг физиологик фаоллигини ошириб, у

орқали озик моддаларнинг киришини ва кўчатларнинг ривожланишини кучайтирди.

Тажриба натижалари чигитнинг унувчанлигини, гўза ўсимлигининг ўсишини тезлаштирувчи ва фузариоз вильт касалликларидан ҳимояловчи препаратлар яратишга имкон берди.

ХУЛОСАЛАР

1. Кляйзен конденсатланиш реакцияси орқали янги кетоальдегид, кетозфирлар олинди ва улар асосида 24 та янги органик лиганд ва 43 та Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) ионларининг комплекс бирикмалари синтез қилиниб, элемент анализ, ИҚ-, ЯМР спектроскопия ва РСА усуллари ёрдамида кристалл ҳолатда ва эритмада таркиби ва тузилиши аниқланди.

2. Бензоилсирка альдегид ароилгидразонларининг тузилишини ўзгартириш, эритувчи табиатини танлаш орқали ҳар хил таутомер мувозанатлар амалга оширилди. Молекуланинг N-ацил қисмидаги ўринбосарнинг фазовий ҳажмини катталаштирилганда, ҳалқали изомер шакл миқдорини камайтиради, чунки бу шакл миқдори ўринбосарларнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

3. Ҳалқали оксипиразолин тузилишидан қатъий назар комплекс ҳосил бўлиш жараёнида лигандлар ҳалқа-занжирли таутомерланади, туташган беш-ва олти аъзоли металлҳалқанинг электрон зичлиги тақсимооти ўзгаради ҳамда Ni(II), Cu(II) ионларининг d-электронлари ва монодентат боғланган пиридиннинг π-орбитали орасида тесқари d-π-датив ҳосил бўлиши оқибатида металлҳалқалар барқарорлашади.

4. Ni(II), Zn(II) ва Cu(II) комплекс бирикмаларининг *транс*-[N₂O₂] донор атомлардан иборат текис-квадрат тузилиши ИҚ-, ПМР-, ЭПР спектроскопия ва РСА усуллари ёрдамида исботланди.

5. Комплекс бирикмаларни қўллаш Бухоро вилоятининг кам шўрланган ва вильтли майдонларида фузариозли вильт билан касалланиш даражасини пасайтирди, гўзанинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштирди, вегетация жараёнини қисқартирди ҳамда ҳосилдорлик ва пахта хомашёси толасининг сифатини оширувчи препарат сифатида фойдаланишга тавсия этилди.

6. 5 та янги лиганд, 5 та комплекс бирикма монокристаллари ўстирилди ва уларнинг тузилиши РСА усулида тасдиқланди. Кристалл структуралар маълумотлари Кембриж структуралар банкига (Cambridge Crystallographic Data Centre – CCDC) депонирланди ва аналогик бирикмаларни синтез қилишда бу маълумотлардан фойдаланишга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.06.2018.К.72.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУРСУНОВ МУРОД АМОНОВИЧ

**КОМПЛЕКСЫ НЕКОТОРЫХ 3d-МЕТАЛЛОВ НА ОСНОВЕ
ПРОИЗВОДНЫХ КЕТОАЛЬДЕГИДОВ И КЕТОЭФИРОВ, ИХ
СТРОЕНИЕ И СВОЙСТВА**

02.00.01 – Неорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.2.PhD/К108.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.buxdu.uz. на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель

Умаров Бако Бафоевич
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Азизов Тохир Азизович
доктор химических наук, профессор

Мардонов Уктам Мардонович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета PhD.28.06.2018.К.72.01 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200117, Бухара, ул. М Икбол 11, БухГУ, Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: (+99865) 221-26-12, e-mail: bsu_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета за №___, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (200117, Бухара, Библиотека БухГУ Тел.: ((+99865) 221-29-14).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2019 г.)

Х.Б. Дустов
Заместитель председателя Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.х.н., профессор

К.Г. Авезов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, PhD

М.Р. Амонов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученой
степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире развивается синтез комплексных соединений, которые широко применяются в технологии, биологии, медицине, фармакологии и сельском хозяйстве. Приобретает большое значение создание таких стимуляторов, которые предотвращают снижение урожайности посевных площадей, способствуют повышению урожайности сельскохозяйственных растений и не оказывают отрицательное влияние на окружающую среду.

Мировой химической промышленности необходимо усовершенствовать производство по выпуску целевых комплексных соединений на основе ароилгидразонов кетоальдегидов и кетоэфиров, катализаторов, ростостимулирующих веществ, разработать механизмы по выпуску бактерицидных и фунгицидных препаратов против различных микроорганизмов, повысить селективность реакций в различных условиях. Имеет важное значение синтез многофункциональных полидентатных лигандов широкого профиля с различными терминальными заместителями для получения комплексных соединений переходных металлов.

В нашей Республике на сегодняшний день уделяется большое внимание на производство продукции химической промышленности и внедрение их в отраслях экономики. В стратегии действий² по развития Республики Узбекистан «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода его на качественно новый уровень, направленного на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов», «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий» и «углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции» в определены важные задачи. В связи с этим приобретает важное значение разработка стимуляторов урожайности сельскохозяйственных культур, синтез комплексных соединений многих металлов с органическими лигандами, определение их строения, электронной структуры, реакционной способности, физико-химических свойств и биологической активности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», в Указе УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлении ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года.

химической промышленности на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В Республике осуществлением и развитием работ в области синтеза и исследований металлокомплексов с органическими лигандами занимаются Н.А. Парпиев, М.А. Азизов, Х.Т. Шарипов, О.Ф. Ходжаев, О.А. Шобилолов, Т.А. Азизов, Х.Х. Тураев, Ш.А. Кадирова. Данными учеными получены новые полидентатные многофункциональные лиганды, а также их комплексы с переходными металлами, проведен доскональный анализ их строения и свойств.

За рубежом это направление было развито такими учеными как Geraldес С. F., Barros M. T., Agrawal A., Prasad R.N., Dutta R.L., Hamza S.M., Woodruff D. N., Stadler A.-M., Iskander M.F. Им изучены избирательная экстракция различных металлов с лигандами заданного строения, а также каталитические и биологические активные свойства комплексов таких металлов, как никель, цинк, медь, кобальт, железо, марганец, ванадий.

Ряд ученых СНГ внесли достойный вклад в развитие химии координационных соединений. Изначально координационная химия развивалась в Санкт-Петербурге Л.А. Чугаевым. Далее это направление развивали его соратники И.И. Черняев, А.А. Гринберг, Ю.Н. Кукушкин. Темплатный синтез комплексов был исследован и развит в Кишиневе Н.В. Гэрбэлэу, изучение обменных взаимодействий был развит в Ростове-на-Дону В.А. Коганом, магнетохимия комплексных соединений развивалась Ю.А. Буслаевым, Г.М. Лариным, В.В. Мининым, В.В. Зеленцовым, Ю.В. Ракитиным, В.М. Новотерцевым, К.Н. Зеленцовым.

Анализ научных информации показывает, что синтез, таутомерия и комплексообразующие способности азотистых производных кетоальдегидов и кетоэфиров носят разрозненный характер, а в отдельных случаях их комплексы остаются загадочными, решение которых требует внимания. Каскад этих исследований заключается в умелом применении современных физико-химических и квантохимических методов исследований. В результате изучения электронного и пространственного строения молекул комплексов и установление следственной связи позволило определению взаимосвязи *“состав-структура-свойство”* в достаточно сложных химических соединениях. Результаты анализа литературных данных показывает, что модификация азотистых производных кетоальдегидов и кетоэфиров носят отрывочный и противоречивый характер, данные о таутомерии этих соединений и их комплексов исследованы недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ

Бухарского государственного университета по проекту Ф7-20 «Комплексы на основе производных кетоальдегидов и кетоэфиров; их строение и свойства» (2012-2016 г.г.).

Целью исследования является синтез комплексных соединений ионов Ni(II), Zn(II) и Cu(II) с ароилгидразами кетоальдегидов и кетоэфиров, а также определение их строения и свойств.

Задачи исследования.

определение гидразон-енгидразинной, гидразон-5-гидрокси-2-пиразолиновой, кольчато-цепной, кольчато-кольчатой и кольчато-цепная-кольчатой таутомерии;

синтез и разработка методик получения комплексных соединений переходных металлов с новыми органическими лигандами;

на основе экспериментальных данных, теоретических и практических исследований разработка и внедрение практических рекомендаций по использованию комплексных соединений.

Объектами исследования выбраны ароилгидразоны кетоальдегидов и кетоэфиров, а также комплексные соединения ионов Ni(II), Zn(II) и Cu(II) на их основе.

